



## ҲАРБИЙ ЖАНГ САНЪАТИ РИВОЖЛАНИШИДА МУСТАҲКАМЛАНГАН ҲУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

ЧОРШАНБИЕВ Б.Б.

х.ф.ф.д (PhD), подполковник, Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли Кучлар Академияси катта ўқитувчиси  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10362115>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 11<sup>th</sup> December 2023

Online: 12<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Оператив жиҳозлаш тизими,  
ҳарбий инфраструктура,  
ҳарбий ҳаракатлар театри,  
мустаҳкамланган ҳудуд, узоқ  
муддатли мустаҳкамланган  
позициялар ва объектлар.

### ABSTRACT

Ҳарбий низоларда жанговар ҳаракатларининг  
ноанъанавий усуллари таҳлилари шуни кўрсатади-  
ки, чегара ҳудудларида оператив жиҳозланиш  
тизимининг ўз вақтида ривожланганлиги кўп  
ҳолларда душмanning биринчи ҳамласини  
қайтаришга, шунингдек қўшинларни самарали  
қўллаш натижаларининг умумий  
мувоффақиятларини белгилаб беради. Шу сабабли  
мақола чегара ҳудудларини оператив жиҳозлаш  
тизимини ривожланиш босқичларининг тарихий  
таҳлилларига бағишланади.

Буюк саркарда ва файласуф Сун Цзы ўзининг трактатида урушга қуйидагича  
таъриф берган: «Душмanning режаларини бузиш бу - урушнинг олий санъатидир,  
кейинги ўринда унинг иттифоқларини бузиш, ундан сўнг қўшинларини яксон қилмоқ ва  
энг ёмони – қалъани қамал қилиш» деган эди [1. 7-б.].

Шу аснода, замонавий жанговар ҳаракатлар, қуролли мажароларнинг кенг  
миқёсда ривожланиши, жанговар ҳаракатлар дунёнинг турли ҳудудларда, ҳар-хил  
шароитларда ва замонавий қуролларни қўллаган ҳолда олиб борилиши катта аҳамият  
касб этмоқда.

Вақт ўтиши билан барча соҳалар шу жумладан, ҳарбий соҳа ҳам ўзининг тарихий  
ўзгаришлари давомида такомиллашиб замонавий кўринишга эга бўлган. Урушларнинг  
дастлабки даврларда қўшинлар жанговар ҳаракатларни деярли ер устида, қуруқликда  
олиб борган бўлса, даврлар эволюцияси натижасида қўшинлар жанговар ҳаракатларни  
сув остида ва сув юзасида, ҳаводаги жангларни амалга оширишмоқда.

Тарихий таҳлиллар шуни кўрсатади-ки, чегара ҳудудларини мустаҳкамлаш,  
ҳудудни оператив жиҳозлаш тизимини ривожлантириш, тарихи ҳар бир даврларда ҳам  
ўз аҳамиятлиги ва долзарблигини сақлаб келмоқда [1. 8-б.].

Ҳарбий экспертлар<sup>1</sup> хулосасига кўра ҳарбий театр ҳудудни оператив жиҳозлаш  
тизимининг бошланиши ва уни ривожлантирилишини “узоқ ўтмиш” деб аташади, ҳали  
“ҳарбий инфраструктура” атамаси қўлланилмаган даврдан бошланиб, душмanning

<sup>1</sup> д.т.н. Чекинов С.Г., д.в.н. Богданов С.А. Военная стратегия: взгляд в будущее.  
д. в. н Марин А. Стратегия Национальной безопасности США.



ҳаракат йўллари тўсиш, босқинини тўхтатиш мақсадида барча чегара ҳудудларида тупроқдан, тошдан деворлар, қалъа ва тош миноралар қуриш ишлари амалга оширилган.

Яққол мисолларидан, бу Буюк Хитой деворидир у муҳандислик иншоотларини мужассамлаштирган тузилма сифатида кўз олдимизда намоён бўлади (э.а. 214 йилда бошланиб замонамизнинг XV-XVI асрларга қадар давом эттирилган).

Рим империяси мудофаа иншоотлари асосан қозиқдеворли майдон ҳамда хандақлардан иборат бўлиб мудофаа иншоотлари ортида эса таъминот йўллари қурилган.

Ўрта Осиё тарихи бой тажрибалардан бири бу ҳудудларни жиҳозлаш тизимининг доимо такомиллаштирилиб борганлиги билан аҳамиятлидир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда бронза даврлардан бошлаб *“фортификация санъати”* шаклланганлиги, ҳозирги давргача Ўрта Осиё ҳудудида кўпгина қалъа ва истеҳкомларининг сақланганлиги бунинг яққол далили бўла олади (*“Ичан-қалъа”, «Джанбас-қалъа», Шилпик-қалъа, Арк*) [1. 311-315 б.].

Ҳарбий санъат тарихида ёрқин из қолдирган буюк саркардалар қаторида тилган олинадиган давлат арбоби А. Темурнинг ҳарбий ғалабалари замирида муҳандислик ишлари, айниқса ер ости йўлларида фойдаланиш, лаҳм қазилар муҳим ҳисобланган, у бундай тактикадан доимий равишда фойдаланганлиги барча манбаъларда ёзиб қолдирилган.

Биринчи жаҳон уруши даврида, қўшинларнинг юқори зичлиги ва узоқ муддатли позицияларда уруш олиб боришда, қарама-қарши томонларнинг мудофаа учун хандақлардан фойдаланиш назариясини олиб келди ва бу амалиётда қўлланилди. Кейинчалик яхши тайёрланган мудофаани бузиш учун ер ости урушидан фойдаланиш тамойили вужудга келди.

1916-йил инглизлар ер ости уруши учун 33 та ер ости йўли (туннель)ни тайёрлаган. Бу компанияда жами 25 минг киши ер остидан ҳаракатланиб душман жойлашган жойларига чиқиб борган. Шу даврда Французларнинг ер ости ҳужумлар сонини 40 та га етди, бу жанглар асосан ердаги ҳаракатлар ва ҳаводаги операциялари билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб борилган. Шу билан бирга ер остидан ўз қўшинларини, душмanning артиллерияси ва ҳаво ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун ер ости иншоотлари тайёрланган (Мисол, 1917 йил апрел-май ойларида Корнил тоғи ёнбағрида ер ости иншооти тайёрлангани, бу иншоотда француз аскарлари, немис авиацияси бомбардировкасидан ҳимояланган) [4. 2-б., 9.].

XX аср бошларига келиб кўпгина дунё мамлакатларида *“ҳарбий ҳаракатларга тайёрлаш театри”* тушунчаси пайдо бўла бошлади, шундан келиб чиқиб давлатлар чегара олди ҳудудларида олдиндан фортификацион иншоотларни барпо этиш назарда тутилган.

Биринчи жаҳон урушидан олдин ушбу фортификацион иншоотлар мустаҳкамланган ҳудудлар<sup>2</sup> деб номлана бошланган [2. 64-б.].

<sup>2</sup> Мустаҳкамланган ҳудуд - бирор бир ҳудудни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун бир-бири билан узвий боғлиқ ҳамда ҳамкорликда умумий гуруҳни ташкил этувчи, давлат Қуролли кучларида биринчи фортификацион ишларининг бир нечта истеҳкомларни бирлаштирувчи ҳудуд.

Шундай қилиб, муҳофазанинг муҳим йўналишларида ҳарбий ҳаракатларга тайёрлаш театрининг асосини Мустаҳкамланган ҳудудлар ташкил қилган, бу иншоотлар қўидагилардан ташкил топган:

кучайтирилган ҳудудларда муҳофазанинг муҳим йўналишларидаги қурилишлардан;

маневрли курашни олиб бориш учун, иккинчи йўналишлардаги кучайтирилган позициялар тизимини жиҳозлашдаги сим тўсиқлардан;

2-3та портловчи полосали сим тўсиқлар, портламайдиган ва электронли тўсиқлардан;

пиёда қўшинларнинг ҳаракатланиши учун майдон, ундан ташқари муҳофаа полосаси, шунингдек қўшинларнинг ҳаракатланиши йўлларидан;

панагоҳлар (блиндаж), пулеметлар учун отиш жойлари, тўйнуқлар ва тўсиқлардан.

Шу билан биргаликда, чегара ҳудудларида темир йўл, автомобил йўллари, аэродромлар, қўшинларни жойлашув пунктлари, артиллерия позициялари, кузатув постлари, қўмондонлик пунктлари, алоқа тизими, моддий-техник воситалар, омборлар ва базалар яратилган бўлиб улар узоқ вақт душмanning зарбасига бардош берадиган кучайтирилган позициялар, ҳимоя фортификацион иншоотларининг янги турлари сифатида ривожлана бошлаган [3. 27-31 б.].

Давлат ҳудудидни оператив жиҳозлашнинг тарихий объектлардан бири бу Маннергейм чизигини (1-расм) айтиб ўтиш мумкин.



1-расм. Маннергейм чизиги (1039-1940 йй.)

Манергейм чизиги мажмуавий муҳофаа комплекски бўлиб 1920-1930 йилларда Фин бўғози ва Ладога кўли орасида барпо этилган. Унинг қурилиш 1918 йили Финландия давлатининг мустақилликка эришгандан сўнг бошланган. Унинг мақсади Россия томонидан бўладаган ҳужумларга қаратилган. Маннергейм чизиги учта муҳофаа чизигини ташкил қилиб унинг чегарага яқин бўлгани “бош”, кейингиси “оралиқ”, Выборг шаҳри яқинидаги эса “ортдаги” деб номланган. Душман ёриб ўтишнинг юқори хавфи бор йўналишларда энг мустаҳкам ва кучли чизиги жойлаштирилган.


Муҳофазанинг барча учта чизикларида йирик муҳофаа мажмуа иншоотлари барпо этилган [5. 37-40 б.].

Муҳофазанинг бош полосасида ҳар хил даражадаги 18 та муҳофаа иншоотлари барпо этилган. Мустаҳкам тизимлар таркибига фронт орти муҳофаа полосаси ва унинг таркибида эса 10 муҳофаа тармоғи киритилган. Узоқ муддатли отиш истехкомлари ер остига жойлаштирилган панагоҳ ва ётоқхоналар ташкил топган бўлиб, унинг ҳар бирида 4 тадан 6 тагача отиш амбразуралари, 150 пеламет бункерлари, 13 тасида иккитадан, 7 тасида 3 тагача ва колганлари эса титтадан пулеметлар, 8 та артиллерия

бункери, 9 та командирлик бункерлари, шунингдек 41 панагоҳлар блан жиҳозланган [5. 37-40 б, 10. 3-б].

Ушбу тизимдаги камчиликлардан, уларда табиий пойдеворлар бўлмаганлиги, узоқ муддатли нуқталарнинг қурилишига тўсқинлик қилган, иншоотларнинг пойдеворлари чўкмаслиги учун унинг остки қисмида бетонли “ёстиқ” қўйиш талаб этилган, афзалликлари эса уларда узоқ муддатли отиш нуқталарининг кўплиги, қўшни истеҳкомлар бир-бирига уланганлиги ва энг самаралиси эса табиий тўсиқлардан тўғри фойдаланган ҳолда тактик жиҳатдан тўғри жойлаштирилган.

Совет-Фин (1939-1940) уруши хулосаларидан келиб чиқадиган бўлсак 30 ноябрь 1939 йил ҳолатига 5 армия, 2900 танк, 3000 та самолет, 24 дивизия умумий 425 минг одам иштирок этганни инобатга оладиган бўлсак, Маннергей чизиғи муҳофаази қўшинлари 2 ойгача Қизил армия ҳужумини бартараф этишган. Бунда Фин қўшинларинг сони эса 135 мингтани ташкил қилган (84 ўқчи батальони 360 орудия ва 25 та танкдан иборат бўлган). Бу жангдаги куч тақсимолари 6:9 бўлган [5. 37-40 б.].



2-расм. Мажино чизиғи (1929-1940 йй.)

Шунга ўхшаш ҳолат XX аср (1929-1940 йй.) даврларида Франциянинг Германия билан чегарадош Бельфордан Лонгионгача бўлган ҳудудларида франциянинг мустаҳкамланган Мажино чизиғи (2-расм) тизимларини қуриш ва ривожлантириш тадбирлари фаол амалга оширилган. Мустаҳкамланган қурилманинг узунлиги 400 кмдан иборат, унинг таркибига 39 узоқ муддатли мустаҳкам муҳофаа қурилмаси, 70 паноҳгоҳ, 500 та артиллерия ва пиёдалар тўсиқлари, 500 муҳофаа истеҳкоми, ҳамда кўп миқдорда блиндаж ва кузатув пунктлари бўлган.

Мажино чизиғини оптималлаштириш тадбирлари натижасида чегара ҳудудларининг асосий муҳофаа чизиғлари олдида танкка қарши хандақлар қазилган, танкка қарши сим тўсиқлар ўрнатилган; асосий муҳофаа чизиғининг *ортида таянч нуқталари тармоқлари* – пиёдалар учун бетон майдонлар, артиллерия қурилмалари ва ёриткичлар жойлаштирилган. Ушбу таянч нуқталари 50 метр чуқурликда ертўла ва лифт билан жиҳозланиб у ерда ўқ-дори омборлари ва темир йўл шатакларида йирик калибмли орудияларнинг позициялари жойлаштирилган. Мажино чизиғининг умумий кенлиги 90-100 км ташкил қилган [4. 24-27 б.].

Ушбу истеҳкомлар 1940 йилнинг 14 июнида немис-фашистларининг фаол ҳужумкор ҳаракатлари давомида узоқ муддатли ўт очиш нуқталарига тўғридан тўғри снаряд ва бомба зарбаларига бардош бера олмаган, шунингдек уларда айланма муҳофаани ташкил қилишга мўлжанмаганлиги Франция қўшинларининг муҳофаасини таъминлай олмади.

Узоқ вақтга бардош берадиган мустаҳкамланган позициялар олдинги иншоотлардан фарқи шундаки давлатнинг ички алоқаларини таъминлаш учун фронт

орти йўллариининг очиқлиги бўлган. Кейинчалик бу кучайтирилган позициялар ҳудудлар деб номланган.

Мисол учун, собиқ Совет Иттифоқи чегара олди ҳудудларида кучайтирилган ҳудудларнинг фаол қурилиши уч босқичга бўлинади: биринчи, тайёргарлик босқичи – 1921-1928 йиллар, иккинчи – 1928-1937 йиллар ва учинчи 1938-1939 йилларга, собиқ иттифоқ республикаларининг ғарбий чегараларида биринчи кучайтирилган ҳудудларнинг (3-расм) қурилиши биринчи жаҳон урушининг тугатилиши билан бошланган, шуни таъкидлаб ўтиш мумкин-ки, Германия фашистларига қарши жанг



3-расм. собиқ СССР ғарбий чегараларидаги мустаҳкамланган ҳудудлар Сталин чизиғи (1939 - 1941 йй.)

олдидан режалаштирилган мустаҳкамланган ҳудудларнинг қурилиши охирига етказилмаган, бу эса урушнинг биринчи йилларида, мудофаа операцияларининг якунларига ўзининг салбий таъсирини ўтказди ва катта ҳудудларни қўлдан чиқарилишига олиб келган [3. 27-31 б.].

Мустаҳкамланган ҳудудлар кенглиги 50 кмдан 140 кмни ташкил этган ва одатга кўра унинг бир ёки иккинчи томонлари табиий тўсиқларга бириккан ҳолда бўлган.

Учинчи босқичдаги янги қурилишлар ва режали вазифаларни бажариш билан биргаликда, олдиндан қурилган мустаҳкамланган ҳудудларни такомиллаштириш ишлар давом эттирилган.

Уларнинг чегараси янги тузилган мина майдонлари ҳамда ҳар хил турдаги отиш иншоотлари ва тўсиқлар билан кучайтирилган. Танкка қарши мудофаани кучайтириш учун узоқ муддатли отиш нуқталари, қўшимча тарзда артиллерия қуруллари ўрнатилган (бронекалпак) ҳамда узоқ муддатли иншоотларнинг ҳимоя тузилиши сифатлари юқори даражага келтирилган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида фақатгина 2500 темир бетонли иншоотлар, ундан 1000 таси артеллерия қурилмаси, қолган 1500 пулеметлар билан жихозланган.

1941 йил уруш арафасида Рава-Рус ва Перемишльский мустаҳкамланган ҳудудлар жанговар шай ҳолатда тайёр бўлган, лекин Мустаҳкамланган ҳудудларнинг асосий камчиликликлардан бири, жанг олиб боришда мудофаа чуқурлиги 2 км 5 километрни ташкил қилган, бу эса танкка қарши курашга чидамлилиги пастлигини (10% дан ҳам кам) алоҳида эътироф этилган. Ундан ташқари юқори командирлар мустаҳкамланган ҳудудларни фойдасиз ва аҳамиятсиз ҳисоблаб уларни рухсатсиз яроқсиз ҳолатга келтиришганлиги тарихий манбаларда айтиб ўтилган (консервация қилишган) [3. 27-31 б., 10].

1- жадвал


## Мустақамланган ҳудудларнинг 1942 йилги ҳолати \*

| Мустақамланган ҳудудларнинг номи | Фронт бўйлаб узунлиги, км | Чуқурлиги км | Мудофаа тугунлари сони | Жангга тайёр узоқ муддатли истеҳкомлар сони | Қурилган | Қурилиш жараёнида бўлган |
|----------------------------------|---------------------------|--------------|------------------------|---------------------------------------------|----------|--------------------------|
| Шауляйский                       | 90                        | 5-16         | 6                      | -                                           | 27       | 403                      |
| Каунаский                        | 105                       | 5-16         | 10                     | -                                           | 31       | 599                      |
| Алитусский                       | 57                        | 5-16         | 5                      | -                                           | 20       | 273                      |
| Гроденский                       | 80                        | 5-6          | 9                      | 42                                          | 98       | 606                      |
| Осовецкий                        | 60                        | 5-6          | 8                      | 35                                          | 59       | 594                      |
| Замбровский                      | 70                        | 5-6          | 10                     | 30                                          | 53       | 550                      |
| Брестский                        | 120                       | 5-6          | 10                     | 49                                          | 128      | 380                      |
| Владимирский                     | 60                        | 5-6          | 7                      | 97                                          | 97       | 141                      |
| Каменка-Бугский                  | 45                        | 5-6          | 5                      | 84                                          | 84       | 180                      |
| Рава-Русский                     | 90                        | 5-6          | 13                     | 95                                          | 95       | 306                      |
| Перемишльский                    | 120                       | 4-5          | 9                      | 99                                          | 99       | 186                      |
| Теляшский                        | 75                        | 5-16         | 8                      | -                                           | 23       | 366                      |
| Ковельский                       | 80                        | 5-6          | 9                      | -                                           | -        | 138                      |

Мустақамланган ҳудудларнинг ўрганиш замирида шуни хулоса қилиш мумкинки, иккинчи жаҳон уруши даврида ер ости иншоотлари жанг олиб боришдан ташқари фронт орти таъминоти ва жангни режалаштириш учун истеҳком сифатида қўлланилган.

Иккинчи жаҳон уруши тажрибалардан келиб чиққан ҳолда 1950-1953 йилларда Корея ярим оролида ер ости уруши жуда катта ҳажми эгаллади. Бунда Америка қўшинлари авиациядан кенг фойдаланган ҳолда Корея қўшинларига ҳаводан максимал даражада зарбалар беришган. Корея ярим оролидаги урушдаги ҳудуднинг узунлиги 250 - 500 км бўлган ер ости йўллари тайёрланган, бунда уруш frontiга келиш мақсадида, ҳар бир бўлинма жойлашган таянч пунктига қадар 2 км ер ости

4 - расм. Вьетнамдаги Қути ер ости туннельлари



туннельлари тайёрланган. Бу иншоотлардан жанговар ҳаракатлар вақтида жанг олиб бориш,

қўшинларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтиши, касал ва ярадорларни эвакуация қилиш, турли хил моддий воситаларини фронтга ёки фронтдан ортга ташиш мақсадларида фойдаланилган. Таъкидланган иншоотларни тайёрлаш учун жами 2 миллион м<sup>3</sup> тош ишлатилган [8].

\* Рунов В.А. Все укрепрайоны и оборонительные линии Второй Мировой войны 1941-1945 годов.



1959-1975 йилларда Вьетнамдаги урушда, АҚШлари қўшини Вьетнам қўшинидан ҳар томонлама устун эди. Рақибига самарали қаршилиқ кўрсатиш мақсадида Вьетнамликлар ер ости уруши тактикасини танлашган. Вьетнамликлар туннельларни қуришда қаттиқ лойли тупроқда бир ярим метр чуқурликда қуришган. Бу билан Вьетнамликлар туннельлар тармоғи орқали АҚШ қўшинига қарши ҳужумлар уюштириш имконига эга бўлган. Вьетнамдаги ер ости туннельлари бир неча метр чуқурликда жойлашган бўлиб унинг ичига яширин кириш жойлари, турар жойлар, омборлар, касалхоналар бўлган, умумий узунлиги тахминан 150 км ташкил қилган (4-расм).

Жанговар ҳаракатлар майдони деб эътироф этиладиган Афғонистон Ислом Республикасида узоқ вақтдан бери давом этаётган урушларда ер ости иншоотларидан кенг фойдаланиб келинмоқда, қуrolли тўқнашувлар давомида Кунар вилоятидаги (1987й) қуrolли тўқнашувлар давомида кенг қўламда қўлланилган.

**Кариз** – ер ости сув қувурлари деб номланувчи кенг суғориш тармоғининг мавжудлиги сабабли афғон жангарлари ҳукумат қўшинларининг таъқибдан ва тоғли ҳудудларда ҳужумкор ҳаракатларни олиб боришган, бу совет армияси қўшинларига кўп муаммоларни келтириб чиқарди. Афғонистон ҳудудида ер ости табиий ғорлари ва мақсадли қурилган ер ости йўлларга эга. Тлибон кучлари томонидан фойдаланиб келинаётган Тора-Бора ер ости иншооти, унинг чуқурлиги 400 метр, узунлиги 25 км бўлган ер ости коммуникациясидан иборат. Шу сабабли Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар давомида собиқ СССР ва АҚШ қуrolли кучлар қўшинлари тизимида ер ости иншоотларида кураш олиб бориш мақсадида махсус кучлар ташкил этилган [10].

Ушбу мавзуда Исроил – Араб давлатларининг 2008 -2009 ва 2014 йиллар уруши таҳлилларини ҳам кўрсатиб ўтиш жиоз деб ҳисоблаймиз, Исроил қўшинларига Хезболло ва Хамас қуrolли тузилмалари томонидан ер ости коммуникациялари орқали талофатлар етказилган бўлиб улар ер остидан траншеялар қазиб бориб керакли объектларга портлатиш ёки учувчисиз аппаратларни учуриш усуллари қўллаган ҳолда талофатлар етказишган. Шундан сўнг Исроил раҳбарияти томонидан тонелли урушларга қарши курашиш мақсадида 86,5 миллион доллар маблағ сарфланган [9].

Сурия давлатида олиб борилаётган замонавий қуrolли тўқнашувлар, жумладан ноқонуний қуrolли тузилмалар (ИШИД) террористик гуруҳлари ер ости туннеллари ва коммуникацияларидан фойдаланиб ўзларининг жанговар ҳаракатларини олиб боришмоқда. Бунинг натижасида ҳукумат қўшинларининг зирхли техникалари, ҳаво ва артиллерия қўшинларининг жанговар имкониятларидан самарали фойдаланишолмади [8].

2013 йил Хорст шаҳридаги Сурия армияси транспорт базасининг штаб-квартираси, 2014 йилда эса 33 кун ичида ИШИД қўшинлари 107 метр туннел қазиб Дамаск шаҳридаги меҳмонхонани бутунлай яроқсиз ҳолга келтиришган. Бундан келиб чиқиб, Сурия ҳарбий мутахассислари ер ости ҳаракатлар тактикасига ўрганишга эътибор қаратди ва уни қўшинларга тадбиқ қилишди, бунинг самараси ҳарбий мутахассислар душманнинг зарбаларидан ҳимояланиш билан бир қаторда, ундан



хукумат қўшинларига самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар белгиланди. Бунинг натижасида хукумат қўшинлари, бир-неча бор туннеллар орқали душманнинг жойлашув жойига ҳаракатланиб, унинг позицияларига ҳеч қандай талофатларсиз 100% шай ҳолатда жанговар вазифаларни бажаришга етиб бориб душман лагерларини ишғол қилишди.

XXI асрнинг 2011-йилдан бери давом этаётган Суриядаги жанговар ҳаракатларда давомида ер ости урушлари янада ривожланди ва ҳарбий илмий-тадқиқотнинг асосий мавзуларига айланди [7. 11-16 б. 8].

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки XX асрнинг иккинчи ярмида (1960-1990 йй.) собиқ иттифоқ давлати таркибида 20та мустаҳкамланган ҳудудлар бўлиб улар ҳарбий округ қўшинларга бириктирилган, шунингдек домий равишда таъмирланиб ҳозирги кунга консервацияланган ва қўллашга тайёр ҳолда сақланиб келинмоқда.

Европа мамлакатлари ҳудудидаги иншоотлар эса вақтинчалик ҳарбий соҳада қўллаш учун тўхтатилган аммо улардан ҳарбий тарихни ўрганиш объектлари сифатида (музей) кенг фойдаланилмоқда, аммо бу объектлар мўлжалланиши бўйича қўллашга доимо тайёр ҳолда сақланмоқда.

Ер ости коммуникацияси ва иншоотларини қўллаш тарихи узоқ ўтмишдан бошланиб, асрлар давомида такомиллашиб келмоқда ва бошқа соҳалар каби ҳарбий соҳада ҳам ижобий натижаларга эришилган.

Ҳозирги кунда ҳарбий можароларда ер ости қатламидан фойдаланиш, истиқболда унинг ривожланишини намоён этиб, ҳарбий соҳа мутахассисларининг диққат эътиборида бўлиши, шунингдек ҳарбий соҳада ер ости коммуникация иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш билан биргаликда, ушбу йўналишнинг илмий асосланган назарияси ва амалиётини яратишни талаб этади.

## References:

1. Усманов Ф., Курганбеков М., Угай Ч. История войн и военного искусства. Кн.1. – Т.: Talqin, 2009. – 475 с.
2. Советская военная энциклопедия – М.: 1978, № 6. - С. 64.
3. Рунов В.А. Строительство линии Сталина. Все укрепрайоны и оборонительные линии Второй Мировой войны. // Военная мысль, 2010. – № 7. – С. 27-31.
4. Куприянов А.А. О строительстве линии Мажино – последней надежды Франции в 1940 году. // Военное обозрение, 2009. – № 9. – С. 24.
5. Ульянов К.Р. О линии Маннергейма. // Военное обозрение, 2010. – № 3. – С. 37.
6. Примов Д.В. Краткий анализ войн в Персидском заливе. // Военная мысль, 2012. – № 8. – С. 22-25.
7. Иванов С. Сирийский конфликт и роль внешних сил в нём. // [Зарубежное военное обозрение, 2016. - №11. - С. 11-16](#)
8. Назаренко Б. Карельский Укрепленный район. [https://www.google.com/подземные сооружения](https://www.google.com/подземные_сооружения). (дата обращения 04.06.2019 г).
9. Война в Персидском заливе. [https://ru.wikipedia.org/wiki/подземная война](https://ru.wikipedia.org/wiki/подземная_война) (дата обращения 12.06.2019 г).



10. [Забайкальские укрепрайоны. Разграбленная мощь. \[https://www.wikiwand.com/ru/Забайкальские\\\_укрепрайоны. Разграбленная мощь. подземный война \\(дата обращения 12.06.2019 г\\).\]\(https://www.wikiwand.com/ru/Забайкальские\_укрепрайоны.\_Разграбленная\_мощь.\_подземный\_война\_\(дата\_обращения\_12.06.2019\_г\).\)](https://www.wikiwand.com/ru/Забайкальские_укрепрайоны._Разграбленная_мощь._подземный_война_(дата_обращения_12.06.2019_г).)